

## АҲОЛИНИНГ ЭҒТИЁЖМАНД ҚАТЛАМЛАРИ – КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7894701>

**Толибов Бекзод Хакимович**

*Фарғона давлат университети*

*Ижтимоий иш кафедраси мудури, социология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)*

### **Аннотация.**

Ўзбекистонда ижтимоий соҳага жамият эътиборини кучайтириш, манзилли ижтимоий ҳимояни кафолатлаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимизни тараққий эттиришнинг устувор йўналишлари –Ҳаракатлар стратегияси белгилаб берган вазифалар асосида сўнги йилларда давлатимизда кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур мақола “Аҳолининг заиф қатламларига самарали ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқот иши материаллари акс этирилган бўлиб, бунда аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари - кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга турли имтиёзлар яратиш орқали ҳимоя қилиш масалалари ёритилган.

Республикаимиз ижтимоий сиёсатида ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинади. Бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири айнан таълим билан қамраб олинмаган ногиронлиги бўлган болаларни таълим ва тарбия билан қамраб олиш, уларнинг бундай жамиятда ажраб қолишининг объектив ҳамда субъектив сабабларини аниқлаш ва муаммоларни бартараф этишидир. Мақолада айни шу масалаларнинг объектив ҳамда субъектив сабабларини аниқлаш ва муаммоларни бартараф этиш каби ҳолатлар юзасидан сўз боради.

### **Калит сўзлар.**

*ижтимоий ҳимоя, стратегия, пенсия, ногиронлиги бўлган шахс, турмуш фаолияти чекланган шахс, реабилитация воситалари, коррекция.*

Инсоният ўз тарихида ҳар доим ҳам жисмоний, ҳам рухий жиҳатдан имкониятлари чекланган одамлар билан тўқнаш келган. Ривожланишнинг

турли даврларида уларга муносабат ҳам турлича бўлган. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан «ногирон – жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс. Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги – шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги»дир. Бу сўз латинча *invalidus* сўзидан олинган бўлиб, айнан «кучсиз, кучли эмас» деган маъно англатади, яъни, *in* – «эмас» + *validus* – «кучли», бошқача айтганда, бу – жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий жиҳатдан камчилиги бўлган инсон фаолиятида мавжуд тўсиқ ёки чекловларни билдиради. [1]

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири оилаларда саломатликни таъминлаш, ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялаш учун зарурий шарт-шароитларни яратишдан иборат. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг таъкидлашича, юртимизда соғлом болани вояга етказишнинг муҳим шarti бўлган репродуктив саломатликни яхшилаш, туғма нуқсон ва хасталиклар билан туғилишнинг олдини олиш, тиббиёт масканларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. [2,Б 12] Дарҳақиқат, сўнги йилларда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, жойларда болаларни турли касалликлардан ҳимоялаш ва нуқсонлар билан билан туғилишини олдини олиш борасида бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, эндиликда мамалакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарларида репродуктив саломатликни янада яхшилаш мақсадида скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатида ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш долзарб масала сифатида қараб келинади. Ҳаракатлар Стратегияси халқчиллик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва эзгулик ғояларига таянади. Ижтимоий, сиёсий, иқтисодий жараёнларни баҳолаш ва уларга ёндашишда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигининг устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги назарияга

асосланади. [3, Б.9] Алоҳида ёрдага муҳтож болаларни таълимга йўналтиришда энг аввало, ота-оналар масъул эканлар улар ногирон фарзандлари билан алоҳида тарзда мулоқот ўрната олишлари, ногирон болани тарбиялаш усулларида боҳабар бўлишлари, болани мактабга тайёрлаш ва ўқиш жараёнида унга кўмаклашишнинг энг оддий кўникмаларини билишлари лозим. “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё микёсида ўз тенгдошларидан ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” – деб таъкидлайди Президентимиз Ш.Мирзиёев.[4,14]

Ҳаракатлар Стратегиясида белгилаб берилган вазифалар асносида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли Қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа катламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари қабул қилинди. [5, Б.327]

2020 йил январь ҳолатига Фарғона вилоятида умумий реабилитация техник воситалар ва протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтож ногиронлар сони 7325 кишини ташкил этади. Айни вақтгача шундан 3914 нафар ҳожатманд ногиронлиги бўлган шахслар реабилитация техник воситалар ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланган бўлиб, қолган 3914 нафари жорий йилда босқичма-босқич таъминланиб боришини режалаштирилган. [6]

Оилаларда саломатлик даражаси ва оиладаги ижтимоий-гигиеник ҳолатни илмий таҳлил қилиш қай даражада долзарб бўлса, ногирон болани тарбиялаётган оила саломатлиги, ижтимоий-тиббий-гигиеник ҳолати, ногиронлиги бўлган болаларни соғломлаштириш, реабилитация қилиш ҳамда коррекцион-педагогик ишларни оилада такомиллаштириш ҳам бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан яна бири, айнан таълим билан қамраб олинмаган ногиронлиги бўлган болаларни таълим ва тарбия билан қамраб олиш, уларнинг бундай жамиятда ажраб қолишининг объектив ҳамда субъектив

сабабларини аниқлаш ва муаммоларни бартараф этишдир. Давлат қонунчилиги ота-оналар ҳошиш-истакларини инобатга олган ҳолда, болаларни уйда таълим-тарбияга жалб этиш ҳақида ҳам бош қотиради, хусусан ногиронлиги бўлган болаларни уйда якка тартибда таълим дастури асосида ўқитилади. Айни вақтда Фарғона вилоятида 3 та “Мурувват” уйи, 1 та “Саховат” уйи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жаҳон банкининг Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрлаган маърузасида ногирон инсонларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган 9 та тавсия берилган:

1. Барча универсал тизим ва хизматлардан фойдалана олишни таъминлаш.
2. Ногиронлар учун мўлжалланган махсус дастурлар ва хизматларга инвестицияларни йўналтириш.
3. Ногиронлик бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режасини ишлаб чиқиш.
4. Ногиронларни ишга жалб этиш.
5. Кадрлар салоҳиятини ошириб бориш.
6. Зарур молиялаштиришни таъминлаш ҳамда иқтисодий қулайликни ошириш.
7. Жамиятнинг ногиронлик муаммосидан хабардорлигини ошириш.
8. Ногиронлар тўғрисида маълумотлар тўплашни яхшилаш.
9. Ногиронлик муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотларни кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш.[7]

Мазкур тавсияларнинг жорий этилиши турли секторлар – соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, меҳнат, транспорт, уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари, турли иштирокчилар – давлатлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, мутахассислар, хусусий сектор, ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари, оммавий ахборот воситалари жалб қилинишини талаб этади. 1992 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 3-декабрни “Халқаро ногиронлар куни” деб эълон қилди. БМТ барча аъзо давлатларни шу куни ногиронларнинг жамият ҳаётига интеграциялашувига, уларни доимий ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга, шунингдек зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган тадбирларни ўтказишга чақирди.[8] Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича яхлит институционал ва ҳуқуқий база яратилди. Қонун ҳужжатларида ушбу тоифага мансуб шахслар учун турли имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Жумладан, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида ногиронларнинг, хусусан ногирон болалар ва болалиқдан ногирон шахсларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, реабилитациянинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия буюмлари, ҳаракат воситалари билан имтиёзли тарзда таъминланиш, шунингдек касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш (малака ошириш) борасидаги ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Унда, шунингдек ногиронларнинг давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-санитария хизматидан, уйда қаровдан фойдаланиш, доимий қаровга муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар, сурункали рухий касалликка чалинган ногиронлар меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларида яшаш ҳуқуқига эга эканлиги ўз аксини топган.

2001 йил декабрь ойида Мексика ҳуқумати Бош Ассамблеяда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга кўмаклашиш бўйича кенг қамровли ва ягона конвенцияни ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни кўриб чиқадиган Махсус қўмита тузиш таклифини илгари сурди. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция матни ва унга Факультатив протокол тайёрланиб, 2006 йил 13 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция сифатида қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ногиронларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда халқаро ва миллий мониторингни ташкил қилиш учун иштиракчи давлатлар томонидан қабул қилиниши керак бўлган мақсадлар, умумий принциплар, мажбуриятлар, аниқ ҳуқуқ ва чора-тадбирларга бағишланган 50 та моддадан иборат.

Конвенция ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Қўмитани таъсис этади. Ушбу Қўмита Конвенцияга қўшилган давлатлардан даврий равишда маърузалар олиш ва уларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Конвенциянинг Факультатив протокоliga кўра, алоҳида шахслар ва уларнинг гуруҳлари Қўмига Конвенциянинг исталган қондаси бажарилмаётгани ёки бузилаётгани тўғрисида хабар бериши мумкин.

Конвенцияда «ногиронлик» атамасининг кенг қамровли таърифи мавжуд эмас, Конвенциянинг преамбуласида «ногиронлик» вақт ҳамда турли ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб ўзгариб туриши мумкин бўлган, динамик ёндошувга асосланадиган, ривожланиб боровчи тушунча



сифатида қайд этилган (е банд). Конвенцияга кўра, барқарор жисмоний, рухий, ақлий ёки сенсор нуқсонларга эга бўлган ва улар жамият ҳаётида тўлиқ ва самарали иштирок этишига халақит берадиган шахслар ногирон ҳисобланади.

Конвенциянинг асосий принциплари 3-моддада баён этилган: инсонга хос бўлган кадр-қимматнинг, шахсий мустақиллик ва эркинликнинг ҳурмат қилиниши; камситмаслик, имкониятлар тенглиги, эркаклар ва аёллар тенглиги; жамият ҳаётига жалб этилиш ва киришиб кетиш; инсонлар орасида мавжуд бўлган фарқни ҳурмат қилиш ҳамда инсонлар хилма хиллиги фактини қабул қилиш; имкониятларни таъминлаш; ногирон болаларнинг ривожланиб боровчи қобилиятларини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг ўз индивидуаллигини сақлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш. Конвенцияни ратификация қилган давлатларнинг айримлари унинг баъзи қоидаларини шарҳлар асосида ўзгартиришга ҳаракат ҳам қилишган. Ваҳоланки, ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 46-моддасига кўра, қатнашчилар шарҳлар асосида ўзгартириш киритишларига йўл қўйилади, фақат ушбу шарҳлар «мазкур Конвенциянинг объекти ва мақсадларига зид келмаслиги керак».[9]

Маълумки, ривожланишдаги нуқсон ва бузилишларнинг барчаси ҳам чақалоқлик даврида юзага келавермайди. Бундай ўзгаришларнинг аксарияти каттароқ ёшда аниқланиши мумкин. Улар кўпинча асаб системасининг, эшитиш ва кўриш аъзолари ҳамда нутқдаги нуқсонликлар мисолида номоён бўлади. Илмий изланишлардан шу нарса аён бўлмоқдаки, ривожланишида жисмоний ва психик камчилиги бор болаларга қанча эрта ёрдам кўрсатилса, улардаги камчиликлар шунча тез бартараф этилади, ёки коррекцияланади.

Албатта, оилада тинчлик ва саломатлик бу бир саодат, агар оилада фарзанд саломатлиги билан боғлиқ муаммо юз берса, ота-она мушкул аҳволга тушади. Туғилган болада аниқ физиологик ёки ақлий заифлик бўлса, она унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни ярата оладиган биринчи инсон ва фақатгина чидам, тушунуш, болага меҳр, мухаббат билан унга ёрдам бера олади, шу билан биргаликда уни келажакда таълимга йўналтира олади ва энг муҳими унинг “Мурувват” уйига тушиб қолмаслигига виждонан эриша олади. Лекин, бунинг учун у ўз устида ишлаши ва фарзандини чуқур тадқиқ этиш зарур. Ота-она тушқунлик ҳолатига тушганда эса ҳар қандай фаолиятга қисқа муддатга бўлса ҳам қизиқиши сўнади. Одамлардан қочишга, эски кадрдонлари билан алоқани узишга ҳаракат қилишади. Айнан шундай

ҳолатда оналарга касал бола билан қандай мулоқот қилиш уни бошқариш масаласида ёрдам керак бўлади.

Бугунги кунда ногиронлиги бўлган боласи бор оилаларни жамиятимиз, маҳалла аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, ногирон фарзанди бор оилаларнинг ўзига хос рухий-эмоционал кечинмалари борки, бу оилалар кўп ҳолларда табиийки, ногирон фарзандлари туфайли ўз иш жойларидан ажраладилар ёки воз кечадилар, жамоат ишларида фаол иштирок эта олмасликлари, ўзларини четга олиб ажралиб қолишларига олиб келади. Бундан ташқари, кўп ота-оналар ногирон фарзандлари борлигини яширишга ҳаракат қиладилар. Баъзи ҳолларда эса фарзандлари мактаб ёшига етгач, мактабга юбормаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Натижада, бундай болалар ҳеч қандай таълим билан камраб олинмайди. Яна кундалик ҳаётда ногирон болаларидан умуман воз кечиб, “Мурувват” уйларига ёки меҳрибонлик уйларига топшириб юборадиган оилаларни ҳам учратамиз. Аслида ногирон бола жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида бошқа болалар каби таълим олишга тўла ҳақли экан, бу борада айниқса ота-оналар манфаатдор эканликларини ҳар лаҳза ёддан чиқармаслик жуда муҳимдир. Бундай оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш лозим. Айниқса, ногиронлиги бўлган фарзанди бор ота-онага уйдан узоқ бўлмаган жойда иш ўринлари ташкил этиб берилса, бизнингча бундай оилаларга кўрсатилган энг мурувватли ёрдам ҳисобланар ва бу ҳол ногирон боланинг “Мурувват” уйига тушиб қолмаслигини ўзига хос тарзда таъминлашга ёрдам берадиган муҳим омиллардан бири бўлар эди.

Алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни таълимга йўналтиришда энг аввало, ота-оналар масъул эканлар улар ногирон фарзандлари билан алоҳида тарзда мулоқот ўрната олишлари, ногирон болани тарбиялаш усулларидан боҳабар бўлишлари, болани мактабга тайёрлаш ва ўқиш жараёнида унга кўмаклашишнинг энг оддий кўникмаларини билишлари лозим.

Фарғона вилояти Республикамизда меҳнат бозори тез суръатлар билан ривожланиб бораётган ҳудудлардан биридир. Вилоятда аҳолининг табиий кўпайиши ва ишчи кучлар сонининг ўсиши юқори юқори даражада сақланиб қолмоқда.[10,Б.122] Мавзуни ўрганиш юзасидан Фарғона шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежи ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказилди. Олиб борилган тадқиқотнинг мақсади айтилган вақтда имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчиларнинг

қизиқишлари, шунингдек уларни ўз қизиқишлари доирасида мутахассисликларга йўналтирилганлиги, ахборот технологияларидан хабардорлигини аниқлашдан иборат эди. Сўровномада жами 105 нафар респондент иштирок этди, шундан уларнинг 51 нафарини ўғил болалар, 54 нафарини қиз болалар ташкил этди.

Мазкур касб-хунар коллежининг 70 нафар ўқувчилари Фарғона вилоятининг турли туман ва шаҳарларидан келишган бўлса, 35 нафар ўқувчилар бошқа вилоятлардан келиб таълим олишаётганлиги маълум бўлди. 2019-2020 ўқув йилида Фарғона шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежида жами 7 та йўналиш бўйича ўқувчилар касб-хунарга тайёрланмоқдалар. Жумладан коллежда “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”, “Тикувчилик”, “Компютер технологиялари”, “Косибчилик”, “Радио-техника”, “Чеварчилик”, “Кутубхона иши” йўналишларида Республикаимизнинг турли ҳудудларидан келган ўқувчилар таълим олмақдалар. Маълум бўлишича, коллеж ўқувчилари ўртасида энг кўп қизиқиши “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналишига бўлаётган экан. Коллежда ёшларнинг таълим олишлари учун қулай шароитлар яратилган, ўқувчилари учун спорт майдончалари, ювенил оқатланиш хоналари фаолияти талаб даражасида. Шунингдек, уларларнинг дарсдан ташқари вақтларида турли йўналишларда тўғарақлар ташкил этилган. [11]

Тадқиқот давомида мазкур имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежида ўқиш истагида келган ногиронлиги бўлган ёшлар таълим муассасасидаги мавжуд йўналишлар билан кифояланишга мажбур бўлаётганлиги, шунингдек уларда тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув фанларида эҳтиёж борлигига гувоҳ бўлдик. Ҳақиқатдан ҳам ногиронлиги бўлган шахсларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сабоқларини бериш фойдадан холи бўлмайди. Келажакда улардан ҳам турлича инновацион йўналишларда тадбиркорлар чиқиши мумкин. Шу орқали уларнинг бандлигини таъминланиши, шунингдек ўша ногиронлиги бўлган шахс ўзи таҳсил олаётган мутахассислик асосида савдо ёки хизмат кўрсатиш бўйича бизнес юритиши эҳтимоли юқори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-Ассамблеясида сўзлаган нутқида: “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмақдамиз, мамлакатимизнинг янги



қиёфасини шаклантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат” деб алоҳида таъкидлаган эди. [12] Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳар тарафлама кўллаб-қувватланиб келинмоқда. Ушбу ҳолат жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Республикамизда ногиронликни эрта аниқлаш ва уларни мактабга тайёрлашда болаларни мактаб ёшигача бўлган муассасаларга жойлаштартишга алоҳида аҳамият бериш даркор. Бу юқорида таъкидланганидек, болалардаги нуқсонларни эрта аниқланишига ёрдам беради. Агар инклюзив таълим дастури асосида мактабгача таълим муассасалари сони янада кўпайтирилса ёки мавжуд мактабгача таълим муассасалари таркибида махсус гуруҳлар ташкил этилса, бу албатта, ногирон болаларни соғлом болалар билан интеграциялашувининг муваффақиятли йўлларида бири ҳисобланар эди. Бундай болалар тафаккури шаклланишининг илк давридан бошлаб ўзларини (стигма) бошқалардан олиб қочмасликка ва эркин ҳис қилган ҳолда таълим ва тарбияга кўникма ҳосил қилиб борар эдилар. Бундай болаларнинг ота-оналари билан мулоқот ўрнатиб, фарзандларидаги ўзлаштиришни биргаликда ривожлантириш ҳамда уларнинг коррекцион-педагогик саводхонлигини ошириб боришга имкон туғилар эди. Ногирон болаларда ҳам мактаб ёшига етгач бошқа болалар каби оилалардан ажралмаган ҳолда умумий мактабда ўқиш истаги пайдо бўлиши муқаррар.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) маълумотларига кўра дунёда бир миллиардга яқин одам (барча аҳолининг 15%га яқин қисми) ногиронлар сафига кирар экан. Умумий саломатлик бўйича БМТ маълумотларига асосан эса, ривожланаётган мамлакатлардаги ногиронликнинг тарқалиш даражаси 2%дан бошланиб, ривожланган мамлакатларда 20% гача етади. Бу кўрсаткичларнинг фарқланиши эса функционал чеклов ва ногиронлик мақоми тавсифига бўлган турлича тушунча ва ёндашувларнинг қўлланишига боғлиқдир.

Жамиятнинг ривожланиш жараёни, жамиятда яшаётган инсонларга нисбатан ижтимоий муносабат орқали белгиланади. Айниқса, давлатнинг

ёрдамга мухтож бўлган одамлар қатламига эътибори, ижтимоий заиф кишиларга, яъни кексалар, ногиронлар, ёлғиз, ночор кишиларга ёрдам бериши, ана шу жамиятнинг юксак маънавияти ва ижтимоий моддий жиҳатдан баркамоллигидан далолат беради. Жаҳон тажрибасида ўз яқинларига ёрдам бериш, оғирини енгил қилиш, ҳамдард бўлиш, хайр-эҳсон қилиш азалдан турли кўринишларда амалга ошириб келинган.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотлар дастурида узлуксиз устувор йўналишлардан бири ҳисобланади, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устувор ҳисобланадиган вазифалар каторига киради. Мамлакатда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти барпо қилишда давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати олиб борилмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади.

Ижтимоий хизмат тизимининг қарор топиши аҳоли билан ишлашда фуқароларни самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш имконини берадиган замонавий методика ва технологиялардан кенг фойдаланиш мамлакат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим тенденцияси ҳисобланади. Маҳаллий бошқарув органларида, ҳокимликларда ҳудудий ижтимоий хизматлар тармоғи ташкил этилиши ва ривожланиши, ижтимоий иш, ижтимоий педагогика ва амалий психология соҳасида мутахассислар тайёрлаш туфайли аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш имконияти ҳақиқатга айланмоқда. Ҳозирги Ўзбекистон шароитида аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими алоҳида шахсларни, оилаларни ёки гуруҳларни мослаштиришга қаратилган ижтимоий-инсоний фаолиятнинг муайян усуллари тизими сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистонда муайян тўпланган тажрибалар ижтимоий ҳимоя тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқадиган бўлсак, эндиликда аҳолининг ҳожатманд қатламларига ижтимоий ҳимоя кўрсатиш масаласини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу муносабат билан аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ҳар бир шахсни ишончли бўлган мақсадли ижтимоий муҳофаза қилишга, ижтимоий қўллаб-қувватлашга изчиллик билан ўтиш жараёни кечмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз текисчилик тизимидан воз кечилиб, шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятлар, турмуш тарзи ва дунёқарашига мувофиқ

келадиган ўзига хос стратегия танлаб олинди ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга янгича муносабат шакллантирила бошланди. Бу ижтимоий ислохотларнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган, асосий устувор йўналишларидан бири сифатида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масаласини қамраб олган Ҳаракатлар стратегиясидир.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари - кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларини аниқ мўлжалли тарзда амалга ошириш зарур. Шу боис ислохотларнинг ҳозирги босқичида ижтимоий кўмаклашув тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини шакллантириш давом эттирилмоқда. Муайян моддий ёрдам аниқ оилаларга етиб бориши, жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларига мўлжалланган табақалаштирилган ёрдам бўлиши келажакда уларнинг ҳам бошқалар каби турмуш фаровонлиги ортириши, ўз даромад манбаига, айтайлик оилавий бизнесига эга бўлишига замин яратади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Инвалидность>
2. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Тошкент. "Ўзбекистон" 2017 йил. Б.12
3. М.Бекмуродов, Қ.Қуронбоев, Л.Тангриев. "Ҳаракатлар Стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари".Тошкент. Гафур Гулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи.2017- 4, Б.9
4. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз.Тошкент. Ўзбекистон. 2016-йил. 14-бет
5. Б.Х.Толибов. Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг хожатманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари.УзМУ хабарлари. Тошкент.2018-йил. Б.327.
- 6.Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасида олиб борилган маълумотлари асосида тайёрланди.
7. World report on disability. World Bank. WHO; 2011: 261.
8. <http://uznews.uz/category/Social/792>
9. Совет по правам человека. Тематическое исследование Управления Верховного комиссара по правам человека Организации Объединенных

Наций в целях повышения уровня информированности о Конвенции о правах инвалидов. А/НРС/10/48. 2009

10. Ф.Қосимов. Меҳнат бозори шаклланишининг регионал-менталитет хусусиятлари. Монография. "Фарғона" нашриёти. 2015-йил. Б.122

11. Фарғона шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежида ўтказилган тадқиқот маълумотлари асосида.

12. <http://pfru.uz/uz> маълумотлари асосида тайёрланди.

13. Tolibov, B. (2021, December). EVOLUTIONARY APPROACHES OF THE SOCIAL SERVICES SYSTEM TO THE NECESSARY STAGES OF THE POPULATION. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 56-59).

14. Толибов, Б. Х. (2021). АҲОЛИНИНГ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМЛАРИГА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ. ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, 4(4).

15. Толибов, Б. Х. (2020). АҲОЛИНИНГ ЗАИФ ҚАТЛАМЛАРИ-КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА). ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, 3(5).

16. Tursunalieva, E., Rohila, A., Nilufar, E., & Madina, T. (2023). MECHANISMS OF REHABILITATION AND TRAINING OF PERSONS WITH DISABILITIES. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(2), 343-346.

17. Tursunalieva, E., & Kubayeva, I. (2023). RISK FACTORS IN RELATIVE ATTITUDE TO CHILDREN. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(2), 347-350.

18. Zarnigor, A. Z., & Nigora, T. (2023). Yosh oilalar bilan ijtimoiy ish. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 16, 68-70.

19. Turaboyeva, F. (2023). ОТА-ОНА ҚАРАМОҒ'ИДАН МАНРУМ БО'ЛГАН БОЛАЛАР ВА УЛАРНИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(3), 552-555.

20. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материя.

21. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In *Наука сегодня: проблемы и пути решения* (pp. 48-49).
22. Ҳошимова, Г. И. (2020). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ. ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, 3(5).
23. Исмойиловна, Ҳ. Г. (2020). ҲАРБИЙ АНЪАНАЛАР, УРФ-ОДАТЛАР ВА МАРОСИМЛАР-ЖАМИЯТ ҲАРБИЙ МАДАНИЯТИНИНГ НЕГИЗИ. ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ, 2(3).
24. Abdurakhmonova, M., & Sharipova, K. (2022). SOCIAL WORK CARRIED OUT IN SECONDARY SCHOOLS WITH STUDENTS LEFT ORPHANS AND WITHOUT PARENTAL CARE. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(02), 52-63.
25. Абдурахмонова, М., & Шарипова, К. (2020). Социальная работа с выпускниками детских домов. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ* (pp. 41-42).